

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

517 Умумжаҳон почта иттифоқининг ҳужжатларига мувофиқ почта алоқасини амалга ошириш мақсадида тайинланган операторни белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Саккизинчи қўшимча баённоmani (Женева, 2008 йил 12 август) ратификация қилиш тўғрисида» 2011 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ–290-сон Қонунини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 4 мартдаги ПҚ–1495-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Почта алоқаси миллий оператори — «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти Умумжаҳон почта иттифоқининг ҳужжатларига мувофиқ почта алоқасини амалга ошириш мақсадида тайинланган оператор этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

2. «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Умумжаҳон почта иттифоқининг ҳужжатларидан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажариш бўйича қўшимча вазифалар юклансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 19 июлдаги 339-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 67-модда) 2-бандининг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«почта жўнатмаларини, почта орқали пул маблағлари жўнатмаларини халқаро айирбошлашни ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Умумжаҳон почта иттифоқининг ҳужжатларидан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажариш».

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 12 декабрь,
327-сон